

2227 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

18.01.2022 йил

Оферта ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/16 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияning Бухоро филиали директори Турдиев Халил Жаҳонкулович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва Расмий мөхмөн кабул уйи номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Расмий мөхмөн кабул уйи (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида танишиб чиқсанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастребки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастребки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари таътиф этилади.

3.2., Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилгандан ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллӣ валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишида Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастребки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйиа) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) **600 000 ₸** сўмни ташкил этади.
Ушбу сумма **()** сўм миқдоридаги Абонент тўловини хамда **()** миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилгандан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошираслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўлашиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарilmайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алоҳи расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларниң тўлиқ календарь ойи учун умумий міқдори кўрсатилиади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафозат хоти асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва міқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси таъаллари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чикилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибига солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўрининишидаги мурожаати кўпли билан

30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал килиади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 ____ йилга кадар амал килиади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 ____ йилга кадар амал килиади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганини ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шактининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучила қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Бухоро филиали	АБОНЕНТ: Расмий меҳмонлар мабуллар уйин Манзил: 200-10641, Бухоро, ул. Моми-Хосса Банк маълумотлари: х/р: 22227 ш/х: 100 021 889 064 017 013 902 018 001 СТИР: 205420465 ОКОНХ 90220 МФО: 0014 Банк номига ТАМКЕНТ РКН ГЛ ГОР УМУВАЛЕНИЯ ЦБ ИНН: 201122919 Тел: 652285033 Газза х/х: 2340 200 030 000 001 010 E-mail: mehmonaqabchi@mail.ru МФО: 0014 СТИР: 201122919
Оператор номидан:  Турдиев Халил Жаҳонкулович /имзо/	Абонент номидан:  /имзо/ м.ў.

18.01.2022 йил
2227-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдор	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
I. Бир марталик тўловлар						
II. Хар ойлик абонент тўловлари						
2.1	652285033	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.2	652285102	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.3	652285110	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.4	652285201	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.5	652285205	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.6	652285226	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.7	652285440	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.8	652285491	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.9	652285916	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.10	652285939	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.11	652285946	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
Жами (олдиндан тўлов)						75,900.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 75900 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 75,900.00 сўмни ташкил этади. Ундан 75,900.00 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови хамда 0.00 сўм бир марталик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Бухоро филиали

АБОНЕНТ:
Расмий меҳмон кабул уйи

Оператор номидан:

/имзо/
М.ў.



Турдиев Халил Жахонкулович



Абонент номидан:
М.ў.